

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Транспорт воситаларидан фойдаланиш кафедраси

«Техник тизимларни бошқариш» фанидан

«Соҳа бўйича ишбилармонлик ўйини» мавзуси бўйича

методик кўрсатма

Наманган-2005й.

Соҳа бўйича ишбилармонлик ўйини (Автотранспорт корхоналарида автомобилларни техник тайёргарлик коэффициенти ошириш) бўйича методик кўрсатма «Техник тизимларни бошқариш» фанидан 5140900 Касб таълими (Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш) ҳамда 5521200 «Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш» таълим йўналишларини талабалари учун мўлжалланган.

Методик кўрсатмада ишбилармонлик ўйинини ўтказишни ташкил этишга ва автотранспорт корхоналарида автомобилларни техник тайёргарлик коэффициентини ошириш бўйича ташкилий-техник тадбирлар ўтказишга эътибор қаратилган.

Тузувчи: доц.А.С.Полвонов

Тақризчи: доц.К.Ж.Маткаримов

4-тажриба машғулоти

Соҳа бўйича ишбилармонлик ўйини

I. Ишhini мақсади ва вазифалари:

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур ҳақида гапириб ҳар томонлама етук юқори малакали кадрлар тайёрлаш дастуримизнинг асосий шарти бўлиши керак деган эди. Фақат шундай кадрлар таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг, умуман иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ойдинлаштирадилар ва белгилайдилар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб сифатли кадрлар тайёрлаш учун ўқув жараёнларига фаол ўқитиш методларини кенг тadbик қилиш лозим бўлади. Талабаларнинг билимини ошириш методларидан бири ишбилармонлик ўйинидир.

Ишбилармонлик ўйини-бу ўқитиш ва малака ошириш жараёнида ҳақиқий хўжалик фаолиятини ва аниқ ташкилий техник топшириқларни ечишда ишлатиладиган ҳолатни имитация қилишдир.

Имитация-ҳақиқий объектда физик тажриба ўтказмай ҳодисани тасаввур қилиш ва маъносини онглашдир. Ишбилармонлик ўйини мутахассисларни фаол ўқитиш методига тааллуқлидир, чунки одатий ўқитишдан фарқли томони бунда ўқитувчи билан биргаликда талабаларни ўзлари ҳам фаол қатнашади.

Ишбилармонлик ўйинида бошқариш қарорини қабул қилиш жараёни ўйин давомида олинган маълумотларни босқичма-босқич аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборатдир.

Ишлаб чиқариш ҳолати-бу аниқ хўжалик амалиётини характерловчи ва бошқаришни талаб қиладиган ўзаро боғлиқ бўлган омиллар ва ҳодисалар йиғиндиси.

Ишбилармонлик ўйини, кўпинча бошқаришни имитациялаш ўйинлари деб ҳам аталади. Кейинги пайтларда ушбу ўйин талабаларни олий ўқув юртларида ўқитишда кенг қўлланилмоқда.

Ишбилармонлик ўйинларини мақсадларидан бири талабаларда аниқ бошқариш ҳолатларини ечишда хўжалик раҳбарларини кўникмасини ҳосил қилишдан иборат. Ҳолат қанчалик одатий бўлса, ўйин шунчалик фаол ўтади ва натижа ҳам шунчалик самарали бўлади.

Ишбилармонлик ўйинида яна бошқа мақсад ҳам муҳимдир ўйин қатнашчиларида муаммога комплекс қарашни, яъни ҳодисани бошқалар билан биргаликда кўриш ва тизимли фикрлаш қобилиятини шакллантириш. Ишбилармонлик ўйинини кўллаш талабаларда ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради.

Ишбилармонлик ўйини шундай тузилиши керакки, унинг қатнашчилари ўз билимини, билишини, талқинли фикрлай олишини, ҳодисаларни ҳис қилишини (интуиция) ва хаёлий билишини (фантазия) кўрсата билсин.

Режалаштирилаётган ишбилармонлик ўйинида автотранспорт корхонасини ҳар хил бўлинмалари фаолияти директор раҳбарлигида моделлаштириш. Бу ўйинда автотранспорт корхонасидаги ҳаракатдаги таркибни техник ташкилий тadbирлар ўтказиш билан техник тайёргарлик коэффициентини ошириш йўллари бўйича кўникма ҳосил қилинади.

Ишбилармонлик ўйини АТК ларда автомобилларга ТХК ва Т ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бошқариш бўйича талабаларни назарий билимларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришга йўналтирилган бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ишлаб чиқариш негизини таъминланиш даражасини яхшилаш;
- АТК ни қувватини ошириш;
- автомобил саройини ҳар хил маркалилигини камайтириш, яъни имкон борича бир хил маркали автомобиллар билан таъминлаш;
- ишлаб чиқариш жараёнида механизациялаштириш даражасини кўтариш.

Ўйин қатнашчилари объектив ёки субъектив ҳолатларни ўзгаришига қараб автомобилларни техник тайёргарлигини ошириш бўйича тadbирлар ишлаб чиқишга қарор қабул қилинади.

Ишбилармонлик ўйини «АТК ларда автомобилларни техник тайёргарлик коэффициентини ошириш» мавзусида автобус саройи мисолида ўтказилади.

Ўйиннинг мақсади талабаларда амалий кўникмаларни шакллантириш, маъруза ва амалий машғулотлар ҳамда қарорлар, йўриқномалар ва методик кўрсатмалар асосида автотранспорт корхоналарида автомобилларни техник тайёргарлик коэффицентини ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш. Бунда автомобилларни техник тайёргарлигини оширишда бажариладиган тадбирлар мантикий кетма-кетлиги ўйналади.

Ўйин регламенти 8 соат қилиб ўрнатилади. Дастлабки икки соатида кириш маърузаси ўқитилади. Анкеталаштирилади, ўйин иштирокчилари орасида роллар тақсимланади, АТК ни ҳар бир бўлими учун вазифа ва мақсадлар аниқланади ҳамда уларга бошқариш вазифаси юклатилади. Ўйин иштирокчилари дастлабки маълумотлар ва ҳолатни ўзгариши билан танишадилар. Кейинги иккинчи соатда автомобилларни техник тайёргарлигини ошириш бўйича ташкилий-техник тадбирлар ишлаб чиқилади ва уларни қаторлаштирилади.

Иккинчи дарсда ўзгарган ишлаб чиқариш ҳолатини яхшилашга ўтказилган тадбирлар самарадорлиги аниқланади ва кичик гуруҳлар топшириқни бажарганлиги ҳақида ҳисобот беришади. Олинган натижалар муҳокама қилинади ва хулоса қилинади.

II. Ишбилармонлик ўйини қатнашчиларининг вазифаси.

Ўйин академик гуруҳда ўтказилади. Гуруҳдаги талабалар олтига кичик гуруҳларга бўлинишади. Социометрик тадқиқотлар асосида автотранспорт корхонаси раҳбари (директор) танланади. Битта кичик гуруҳдан (2 киши) арбитраж, қолган бешта кичик гуруҳдан (3-4 киши) автокорхона бўлимларини (материаллар техника таъминоти, техник хизмат, техник назорат бўлимлари, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш минтақалари) ташкил қилинади. Ўйинда ўқитувчи маъмур ролини бажаради. У юқори турувчи ташкилотни имитация қилади (1-расм).

1-расм.

1. **Ўйин маъмури-ўқитувчи.** Ишбилармонли ўйинини ўтказишда ўқитувчи роли жуда кўп қирралидир. Ўйингача-у йўриқчи, ўйин жараёнида-маслаҳатчи, ўйин тугашида-судя ва охир оқибат мунозара раҳбаридир. Бу хаммаси ўқитувчидан катта билим ва маҳорат талаб қилади: у кўрилаётган масалани назарий ва амалий билиши, таҳлил қила олиши, мунозара олиб бориши ва умуман олганда ҳамма томонлама билимли одам бўлиши лозим. Бу сифатлардан ташқари ҳар қандай ўқитувчига тааллуқли бўлган ўқитишни фаол методларини қўллай билиши лозим. Ишбилармонлик ўйини раҳбари ўқитишни бундай методини ўзига хослигини яхши билиши лозим. Ишбилармонлик ўйини-жараёнларни тирик моделидир, йўриқномаси ва қонунлар билан ўйинда ҳамма нарсани кўриб бўлмайди. Битта ўйин ҳар сафар бошқача бир-бирига ўхшамай ўтади ва ўқитувчи ўйин жараёнини керакли йўналишда ушлаб туриши керак.
2. **Арбитраж мақсади-ўйинга** раҳбарлик қилиш, натижа ва қарорларни таҳлил қилиш, ўйин қатнашчиларини баҳолаш, натижаларни солиштириш ва натижа бўйича қатнашчиларни қаторлаштириши лозим.
3. **АТК бошлиғи.** Раҳбарликни мақсади-бўлимлар ва минтақалар ишини мувофиқлаштириш, ҳаракатни координациялаш, бўлимлар ишига рухсат бериш: ресурс ажратиш, методни баҳолаш ва қарор қабул қилиш. АТК си раҳбарияти бўлимлар фаолиятини назорат қилади, улар томонидан қабул қилинган қарорни текширади ва қабул қилади ёки рад этади, бўлимлар қарорларини «кесишувини» («стўковка») амалга оширади, яъни бўлимлар томонидан ҳисоблар натижаси бўйича АТК бўйича режали ҳисоб ишларини олиб боради.
4. **Материал техника таъминоти бўлими (МТТ)**-автотранспорт корхонасидаги ҳаракатланувчи таркибни маркалар сонини камайтиради, яъни автомобил саройини бир хил

маркалига яқинлаштиради, ёнилғи мойлаш материаллари ва эҳтиёт қисмлар сарфи меъёрларини режалаштиради. АТК ни қувватини ошириш режасини тузади. Техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирлаш минтақалари ва таъмирлаш устахоналари ишлаб чиқариш жараёнларини механизация даражасини ошириш учун тадбирлар белгилайди.

5. **Техник хизмат бўлими**-автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашга сарфларни минималлаштириш бўйича қарор қабул қилади. Ҳаракатдаги таркибга ТХК ва Т бўйича режа кўрсаткичларини ҳисоблайди. Ҳаракатдаги таркибга ТХК ва Т бўйича режа материаллини бошқа бўлимлар ва АТК раҳбариятига тақдим этади.
6. **Техника назорати бўлими**-ҳамма ишлаб чиқариш бўлимлари бажариладиган ишларни сифатини назорат қилишни амалга оширади. Автомобилларни ишга чиқишда ва қайтишида техник ҳолатини назорат қилади.
7. **ТХК ва Т минтақаси** устаси ҳаракатланувчи таркибни техник хизмат кўрсатишга туриш вақтини режалаштиради. Регламентли ТХК ишларини сифатли бажаришни таъминлаш бўйича режа тузади. Автомобилларга ТХК ва Т ишлари технологиясига минтақани механизациялаштириш даражасига қараб ўзгартириш киритади. ТХК ва таъмирлаш сифатини ошириш бўйича тадбирлар режасини тузади.

III. Ўйин қатнашчиларини манфаати ва мезони

Ўйин қатнашчилари томонидан қабул қилинган қарорлар, уларни ўйинни умумий натижасига қўшган ҳиссаси тўпланган балларни йиғиндиси билан баҳоланади. Ўйин қатнашчиларини иштироки баллар билан баҳоланади. Бундай яхши натижа олишни таъминлаган қарорлар рағбатлантирувчи баллар билан баҳоланади, яхши натижа олинмаган қарорлар манфий белгили, яъни жарима баллар билан баҳоланади.

Фараз қилайлик автомобилларни техник тайёргарлигини ошириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар кенг қамровли. Тадбирни самарадорлигини априор баҳолаш талаб қилинади. Бунда муҳимроқ тадбирга 1 чин берилади, ундан муҳимлиги пастроғига 2 чин ва ҳоказо. Тадбирларни натижаларини қаторлаштириш 1-иловадаги шаклда берилган.

Кичик гуруҳ ёки алоҳида иштирокчи томонидан қабул қилинган қарор сифатини мезони бўлиб, тадбирнинг муҳимлигини ҳақиқий баҳосидан четланиш квадратлари йиғиндиси хизмат қилади, у қўйидаги формула билан аниқланади:

$$\sigma_j^2 = \sum_{i=1}^n (S_{ij} - S_{iy})^2,$$

бу ерда σ_i^2 -кичик гуруҳ жавобини четланишлари квадратини йиғиндиси ёки тадбирни муҳимлигини ҳақиқий баҳосидан ўйин бирлиги;

S_{iy} , S_{ij} -мос равишда ҳақиқий ва берилган j -ли ўйин бирлиги.

j -ли кичик гуруҳ ёки ўйин бирлиги олган баллар миқдори K_j - қўйидагича аниқланади.

$$K_j = 20 \frac{\sigma_{\min}^2}{\sigma_i^2},$$

бу ерда σ_{\min}^2 -минимал (энг кам) четланишлар квадратлари суммаси.

Биринчи ўйин ҳолати бўйича максимал баллар миқдори-20, иккинчи хўжалик ҳолати бўйича қарор сифатини мезони маълум вақт ичида тадбирни самарадорлигини иқтисодий ҳисобни тўғрилигини билдиради.

Ҳар бир иштирокчилари томонидан сифатли ва ўз вақтида қабул қилинган қарорлар баллар йиғиндиси билан баҳоланади. (2,5 ва 6-иловалар).

+арор қабул қилишда, ҳисоб ишларини бажаришда, ҳужжатларни расмийлаштиришда хатоликка йўл қўйгани ҳамда ишлаб чиқариш интизомини бузганлиги учун жарима солинади (3,4,6-иловалар).

Ҳар бир босқич ва бутун ўйин бўйича доскада жадвал кўринишида яқун ясалади. Арбитраж ҳам худди шундай «Бажарувчиларни баҳолаш қайдномани» варақани тўлдиради (7-илова).

Ўйинни якуний босқичида автотранспорт корхонаси директори иштирокчиларни беш балли тизим бўйича баҳолайди. Бу баҳолар журналга киритилади ва жорий баҳолашда инобатга олинади.

Ҳамма параллел гуруҳларда ўйин ўтказиб бўлгандан сўнг натижалар таҳлил қилинади, хулоса қилинади, яхши кичик гуруҳлар тақдирланади ва энг яхши қабул қилинган қарор таҳлил қилинади (8-илова).

IV. Дастлабки маълумотлар.

Дастлабки маълумотлар сифатида Автотранспорт корхоналарида автомобилларни техник тайёргарлик коэффициентиға таъсир қилувчи омиллар мавзуси олинади. Бу мавзу бўйича талабалар омилларни априор қаторлаштиради ва асосийларини танлаб оладилар.

Бу омилларни 1-илова жадвалға киритишади ва уларни априор қаторлаштиришади. +аторлаштиришда 8 экспертлар гуруҳи иштирок этишади ва улар қуйидагиларни аниқлашади:

- чинлар йиғиндисини;
- чинлар йиғиндисини четланишини;

$$\Delta = d - \sum d / n$$

бу ерда d-омиллар бўйича чинлар йиғиндисини;

$\sum d$ -омиллар бўйича чинлар йиғиндисини жами;

n-омиллар.

- конкордация коэффициенти ёрдамида экспертлар фикрини келишуви даражаси баҳоланади;

$$W = \frac{12S}{m^2 (K^3 - K)}$$

бу ерда K-омиллар сони;

m-экспертлар сони.

Конкордация коэффициенти 0 дан биргача ўзгариши мумкин. Агар у нолдан кўпроқ фарк қилса, унда экспертлар фикрида келишувлик мавжуд.

- экспертларни келишувини тўсатдан эмаслиги ҳақидаги гипотеза эркин даражалар сони (k-1) бўлганда Пирсон критерияси ёрдамида баҳоланади;
- чинларни априор диаграммаси кўрилади, бу омиллар тақсимотини камаювчи чинлар йиғиндисини тартибида кўрсатади.

Априор қаторлаштиришни афзаллиги, оддийлиги катта бўлмаган иш ҳажми, умумийлиги ва тезкорлигидир. Камчиликлари: субъективлиги, экспертлар малакасини якуний баҳоға таъсири ва бошқалар. Обьектив маълумотлар олиш учун бир нечта эксперт гуруҳларини ва ҳар хил мактабларни фикрини солиштириш лозим.

V. Ўйин жараёни

Ўйин қуйидаги босқичлар бўйича амалға оширилади. (2-расм)

2-расм. Ишбилармонлик ўйинини блок-схемаси

I-босқич-ўйинга тайёргарлик.

Бу босқич қўйидаги ташкилий ва методик топшириқлари ечишни ўз ичига олади:

- талабаларни ўйиннинг мазмуни, мақсади ва вазифаси билан таништириш;
- амалий машғулотларда ўқитувчи талабаларга фаол ўқитиш методлари; ишбилармонлик ўйинлари ҳақида тушунчалар беради ва автомобилларни техник тайёргарлик коэффициентига қандай омиллар таъсир кўрсатиш ҳақида маълумотлар йиғишни уйга топшириқ қилиб беради;
- кадрларни тўғри тақсимлаш қайта аҳамиятга эга, ўқитувчи АТК директорини танлаш учун социометрия ўтказилади. Ҳар бир ўйин иштирокчисини сифатини ҳисобга олиб тақсимлаш нафақат ўйин самарадорлигини ошириш имкониятини яратади, балки ҳар бир иштирокчинини мойиллигини ривожлантиради, ишлаб чиқариш муҳитига яқин шароитни имитация қилишда бу мойиллик пайдо бўлади. Социометрия-бу комплекс социологик вазифани ечиш учун бир марталик социологик тадқиқотдир. Социометрия 9-иловада берилган анкетадаги саволларга ҳар бир талабани жавобини олиш билан ўтказилади;
- ўқитувчи савол-жавоб ёки назорат иши ўтказилади, бундан мақсад талабаларни тайёргарлик даражасини текшириш, тайёрлашда тушунмаган («тор жойларни») жойларни аниқлайди ва керак бўлганда тушунтиради;
- ўқитувчи талабаларга ишбилармонлик ўйинига тайёрлашга топшириқ, тайёрланишга керакли саволларни ҳамда бу саволларга жавоб олиш учун керакли адабиётларни беради;
- АТК директори бўлимларни шакллантиради ва бўлим бошлиқларини тайинлайди;
- ўқитувчи (ёки арбитраж) бўлимлар раҳбарларига ҳисоблаш учун шакллар ёки уларни чизиш учун кўрсатмалар беради. Ҳар бўлим шаклини тўлдиради;
- арбитраж ўйин бошланишдан олдин йўриқномалар ва маълумотнома материалларини беради. Доскага ўйин натижаларини қайд қилишни намунавий шаклини чизиб қўяди ва унга ҳар бир қатнашчинини ва бўлимнинг рағбатлантирувчи ёки жарима баллари ёзиб борилади (7-илова).

II босқич. Автокорхонани техник тайёргарлик коэффициентини ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш

Ўйин маъмури корхонадаги ишлаб чиқариш ҳолатини ўзгартиришига топшириқ беради. Мисол автокорхонани техник тайёргарлик коэффициентини ошириш, ишлаб чиқариш негизини таъминланганлик даражасини ошириш, АТК қувватини ошириш, автотранспорт корхонасидаги автомобилларни 3 хил маркалигини таъминлаш ва ишлаб чиқариш жараёнларини механизация даражасини ошириш (кўрсаткичлардан бирини ўзгартириш топширилади).

Ҳар бир бўлинма берилган кўрсаткич даражасига эришиш учун корхона раҳбарига таклифлар беришади. Бунда улар мақсадга эришишни оптимал вариантини таъминлаш нуқтаи назаридан ўзларининг таклифларини асослайдилар ва бошқа бўлинма таклифини тақризлайдилар.

Таклифларни киритиш ва ечим танлаш жўрренини «Ақлий ҳужум» методи бўйича ўтказиш таклиф қилинади. Унинг мазмуни бошланишда ҳар бир ўйин иштирокчиси бир нечта ғояларни илгари суриши мумкин. Бунда илгари сурилган ғоялар баҳоланмайди, фақат ғоялар сони ва ишга яратувчанлик билан қараш ҳисобга олинади. Ечим вариантларини муҳокама қилиш методни баён қилиш ва ечим алгоритминини, уларни аниқлаш ҳамда ҳар хил вариантларни ечишни солиштиришдан келиб чиқилади.

Вариантларни муҳокама қилишда ечимни амалга тадбиқ этишга таъсир қилувчи омиллар ҳисобга олинади. Омилларни аниқлаш ва уларни муҳокама қилиш талабаларни автокорхонанинг фаолиятида пайдо бўладиган муаммоларни тушинишга яқинлаштиради. Сўнгра олдинга сурилган таклифларни афзалликлари ва камчиликлари муҳокама қилинади ва

умумий овоз бериш билан тўртта яхшиси танлаб олинади. Кейин тадбирларни муҳимлиги бўйича қаторлаштирилади. Бирламчи тадбир учун топшириқни ечиш алгоритми ишлаб чиқилади.

III босқич. Ўтказилган тадбирнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш

Илгари сурилган таклифлар асосида танланган ташкилий технологик тадбирни мақсадга мувофиқлигини иқтисодий самарадорлик бўйича ҳисобланади. Ҳисоб натижаларини ишлаб чиқариш ҳолати талаблари даражаси билан солиштирилади. Ўрнатилган даражага етишаолмаган ҳолларда кейинги ташкилий-техник тадбир ишлаб чиқилади ва унинг иқтисодий самарадорлиги ҳисобланади.

IV босқич. Ҳисоботни расмийлаштириш

Ҳисоблар натижаси жадвалга киритилади. Бирламчи вариантдаги сонлар жадвалда режани қайта ҳисоблагандаги сонлар билар бир жойда қолади. Бу иккита вариантдаги натижаларни солиштириб баҳолаш учун керакдир. Ҳисоботда дастлабки маълумотлар ва ҳисоблаш учун маълумотнома меъёрий материаллар берилади. Ҳисоботни ҳар бир бўлим алоҳида расмийлаштиради. АТК раҳбари умумий ҳисобот тайёрлайди, унда ҳамма бўлимлар бўйича натижалар берилади. АТК раҳбари автотранспорт корхонасида техник тайёргарлик коэффицентини ошириш бўйича қисқача маъруза қилади.

Ҳисоботни текшириш учун ўқитувчига берилади. Арбитраж ўйиннинг ҳар бир иштирокчисини баҳоси бўйича ҳисобот тайёрлайди ва ўқитувчига топширади.

VI Ўйин иштирокчиларига йўриқнома

Маъмурга (ўқитувчига) йўриқнома.

Эсда сақланг, ўқитувчини чиқиши кузатувчилик характериға эға бўлмаслиги керак. У буюровчи сифатида бўлиши керак. Ўқитувчи муаммони талабалар билан тенг муҳокама қилиши, муҳокама қилишда уларни қатнашувчилик қизиқишини пасайтиради.

Эсда сақланг, ишбилармонлик ўйини иккита рақибни мусобақаси эмас. У изланиш, ўтқир сўзлик, керакли солиштириш, ҳазил-мутойиб оз-моз хаёлпарастлик билан ўтказилади. Бу ҳаммаси ўйинни қизиқонлигини оширади ва шу билан материални ўзлаштириш даражасини оширади.

Эсда сақланг, ўқитувчи қатнашувчиларни мунозарасини кузатиб бориши ва биронта топшириқни ечишда «аския»ға ўтиб кетишиға йўл қўймаслиги лозим. Ҳар қандай гап, суҳбат, мунозара муаммони таҳлил қилиш учун йўналтирилган бўлиши, бошқа чекланишлар, аскиялар фақат муаммони ечимини топишға қаратилган бўлиши керак.

Ўйин раҳбарини вазифаси-роллари тўғри тақсимлаши. Бунинг учун социометрия ўтказинг ва ҳар бир қатнашчини ишбилармонлик ва шахсий сифатини баҳоланг. Ўзингизни одамларни тақсимлаш бўйича баҳоланг. Сиз ўйин натижаси бўйича сиз хулоса қила оласиз: агар ўйин фаол ўтса, сиз яхши раҳбар агар ўйин яхши ўтмаса сиз хафа бўлманг, олдинда сизни яхши натижалар олишингизға имкониятлар мавжуд.

Социометрия ўтказиш учун бланкалар тайёрланг (бланкалар сони гуруҳдаги талабалар сони билан тенг бўлиши лозим). Талабаларни баҳолаш тизими ва материаллар билан таништиринг. Баҳоларни чиқариш учун бланкалар тайёрланг. Бўлимлар бошлиқлари ва АТК раҳбарига ҳисоблар шаклини тарқатинг ва бу шаклларни тўлдиришни ташкил қилинг. Гуруҳда социометрия ўтказинг ва АТК бошқарув аппаратини шакллантиринг. Ўйинни ҳамма қатнашчиларини таркибий бўлимлар бўйича тақсимланг. Ҳар бир таркибий бўлимға йўриқнома тарқатинг. Ўйинни мазмуни ва мақсадини, уни ўтказиш методикасини тушунтиринг. Ўйинни боришини диққат билан кузатинг, унинг қатнашчиларини ҳаракатини баҳолаб боринг. Талабаларни олган балларини доскаға ва бланкаға белгилаб боринг. Ўйиннинг боришини фаоллаштириб туринг.

Арбитражға йўриқнома. Сизни вазифангиз-ўйинға раҳбарлик қилиш, ўйинни ҳамма қатнашчиларининг ҳаракатини, уларни ташкилотнинг эришган натижаларига қўшган ҳиссаси,

уларнинг комплектлигини, ҳаракатини (старание) топқирлигини, ишчанлигини, фикрлай олишини, ташаббускорлигини, топшириқни қўя билишини ва еча билишини, муаммони ажрата олишини, нотўғри таклифларни ва ечимларни тўғрилашни баҳолай олиш. Сизни вазифангиз ўта жавобгарлидир, сизни сўзингиз ҳал қилувчидир. Агар сиз бошқаларнинг ҳаракатини тўла объектив баҳолашни ўргансангиз, бунда бошқалар билан иш юзасидан келишмовчилик билан ҳаракат қилсангиз, келажакда сиз корхона раҳбари бўлишингиз мумкин. Ўйин давомида сизни олдингизга қўйилган кўпгина вазифалар корхонада тез-тез учраб туради. Бугун сиз корхонани самарадорлигини ўйинда ўрганасиз, эртага эса-ҳаётда.

Ўйинга тайёрланиш жараёнида автокорхонанинг техник тайёргарлигини ошириш бўйича кўпгина саволларни чуқур ўрганишингиз лозим. Асосий диққатингизни автокорхонанинг техник тайёргарлик коэффициентини оширишга таъсир қилувчи омилларга қаратинг.

АТК раҳбарига йўриқнома. Сиз АТК директори. Анкеталаштириш натижалари бўйича сиз ютиб чиқдингиз. Сизни вазифангиз-автокорхонани техник тайёргарлик коэффициентини ошириш. Сиз корхона раҳбари, шунинг учун натижа бўйича ҳамма жавобгарлик сизни зиммангизда. Сизни корхонангизни ҳамма ютуқлари-сизни ютуқларингиздир, унинг фаолиятида ҳар қандай ҳисоб-китобдан адашиш, сизни узокни кўра билмаслигингиз, режалаштиролмаганлигингиз, ташкил қилолмаганлигингиз, раҳбарликни ва лойиҳани эплолмаганлигингиз, одамларни тўғри тақсимлай олмаганлигингиз ва уларни ишлата олмаганлигингизни, яъни улар ишини фаоллаштиришни ва назорат қилишни эплай олмаганлигингиздир. Сиз оркестрни бошқараётган дирекжёр бўлишингиз керак. Ўйинни боришини юксалтириш (замонавийлаштириш) сизга боғлиқ.

Ўйинга тайёргарлик босқичида:

1. Автотранспорт корхонасини техник тайёргарлик коэффициентини ошириш йўллари кидиринг. Техник тайёргарлик коэффициентига таъсир қилувчи асосий омилларни аниқланг.

2. Бўлинмаларга бериладиган топшириқни ёзинг ва бу топшириқни умумий кўринишда бўлса ҳам ечинг.

3. Таркибий бўлинмалар ҳаракатини бир-бирига боғлашга ҳаракат қилинг. Мисол, агар ТХК ва Т минтақаси эҳтиёт қисмлар ва материаллар сарфини кўпайтиришни талаб қилса, материал техника таъминоти нима деб жавоб беради? Техника назорати бўлими хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш сифатига катта эътибор берса, ТХК ва Т минтақаси ҳам МТТ бўлимлари нима деб жавоб беради?

4. Ҳамма таркибий бўлинмаларни вазифаси ва лавозимий йўриқномаси билан танишинг. Ўйланг, уларни олдига қандай вазифа қўяман?

5. Ҳамма меъёрий материаллар билан танишинг, қайси меъёрларга ўзгартириш киритиш мумкин ёки чеклаш мумкин, ўзингизга белгилаб олинг.

Ўйин жараёнида:

1. Ҳар бир таркибий бўлинмага топшириқни тушинтиринг.

2. Автотранспорт корхонасининг техник тайёргарлик коэффициентини ошириш бўйича топшириқ беринг.

3. Бўлинмалар раҳбарлари билан тезкор йиғилиш ўтказинг ва ҳар бирига аниқ вазифа қўйинг.

4. Ўйинни боришини кузатинг. Топшириқни ечиш вақтида тезкор аралашинг, бўлимлар ҳаракатини тезлаштиринг.

5. Арбитражга ўқтиринг, сизнинг фикрингизча кимни рағбатлантириш керак, кимни эса нотўғри ечим таклиф қилгани ёки пассавлиги учун жарима солиш керак.

6. Ҳар бир таркибий бўлим топшириқни тўғри еганини текширинг. Топшириқ ечимини топинг.

7. Ҳар бир таркибий бўлинма фаолияти натижасини баҳоланг.

8. Ечим натижаси ва методлари муҳокамасини ташкил қилинг.

Материал техника таъминоти (МТТ) бўлими бошлиғига йўриқнома:

1. Автокорхонанинг материал техника таъминоти режаси билан танишинг.

2. Олдингизда турган вазифани аниқланг.

3. Автокорхонанинг эҳтиёт қисмлар, материаллар, жиҳозлар ва ҳаракатланувчи таркиб билан таъминланиши техник тайёргарлик коэффициентига қандай таъсир кўрсатишини аниқланг.
4. Автокорхонадаги автомобилларни бир хил маркалилигини таъминлаш бўйича тадбирлар белгиланг.
5. Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш даражасини кўтариш бўйича тадбирлар режалаштиринг.
6. Бошқа таркибий бўлинмалар таклифини, уларни тадбиқ қилиш ва техник тайёргарлик коэффициентига таъсири нуқтаи назаридан баҳоланг.

Техника назорати бўлими бошлиғига йўриқнома:

1. Автокорхона техника назорати бўлими иши билан танишинг.
2. Олдингизда турган вазифани аниқланг?
3. Ишлаб чиқариш негизини таъминланиш даражаси техник тайёргарлик коэффициентига қандай таъсир кўрсатишини аниқланг.
4. Ҳаракатланувчи таркибга ТХК ва Т сифати техник тайёргарлик коэффициенти қандай таъсир кўрсатишини аниқланг.
5. Автотранспорт корхонасида ҳаракатланувчи таркибга сифатли ТХК ва Т учун тадбирлар режасини тузинг.
6. ТХК ва Т сифатини яхшилаш учун таклифлар киритинг.

Техника хизмати бўлими бошлиғига йўриқнома.

1. Техника хизмати бўлимининг иш режаси билан танишинг.
2. Олдингизга қўйилган вазифани аниқланг.
3. Хизмат кўрсатиш сонига таъсир қилувчи омилларни, уларнинг меҳнат сиғимини, ТХК ва Т сарфларни аниқланг.
4. ТХК ва Т га сарфларни камайтиришга таклифлар киритинг. Сизни техник-эксплуатацион кўрсаткичларингизни қанчага ўзгариши ТХК ва Т бўйича режа кўрсаткичини яхшилашни таъминлашини аниқланг. Эксплуатация бўлими, ТХК ва таъмирлаш минтақаларига ТХК ва Т бўйича режа учун техник эксплуатацион ва бошқа кўрсаткичларни ўзгартириш бўйича талаблар қўйинг.
5. ТХК ва Т бўйича режага таъсир қилиш нуқтаи назаридан бошқа бўлимларни таклифини баҳоланг. ТХК ва Т бўйича режани ёмонлаштирадиган бирорта таклифни ўтказиб юборманг.
6. Бирорта вариант учун ТХК ва Т таннархини аниқланг.

ТХК ва Т минтақаси бошлиғига йўриқнома.

1. ТХК ва Т минтақасида бажариладиган ишлар режаси билан танишинг.
2. Олдингизга қўйилган вазифани аниқланг.
3. Автомобилларга ТХК ва Т сифатини ошириш бўйича тадбирлар режасини тузинг. Автомобилларга ТХК ва Т минтақасидаги жиҳозларни алмаштириш, таъмирлашга эътиборни қаратинг. ТХК ва Т минтақасида ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш даражасини кўтаринг. Хизмат кўрсатиш ва таъмирлашда оқимли тизимларга ўтиш, махсуслаштирилган постларга ўтиш режасини тузинг.
4. Ҳаракатланувчи таркибни ТХК ва Т га туриб қолиш вақтини камайтириш бўйича тадбирлар режасини тузинг. Умумфойдаланиладиган жиҳозлардан унумли фойдаланишни таъминлаш. Ҳаракатланувчи таркибни ювиш ва диагностика минтақаларида навбат кутишларини камайтириш учун тартиб ўрнатинг.
5. Ҳаракатланувчи таркибни эҳтиёт қисмлар, ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш ва минтақада ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш даражасини кўтариш мақсадида материал техника таъминоти бўлимининг иш режасига таклифлар киритинг.

Иловалар
Ҳисобот

автотранспорт корхонасининг техник тайёргарлик

(кичик гуруҳ)

коэффициентини оширишда тадбирни муҳимлиги

1-илова

Тадбир тартиб рақами	Тадбирни муҳимлиги		Тадбирнинг муҳимлигини ҳақиқий баҳоладан кичик гуруҳ жавобини четланиш квадрати
	Кичик гуруҳ баҳоси бўйича	Ҳақиқий	
1			
2			
3			
4			
хаммаси			

Изоҳ: кичик гуруҳ фақат жадвални иккинчи графасини тўлдиради.

Босқичлар бўйича бажарилган ишга рағбатлантириш ва жарима учун ушланмалар.

2-илова

Ўйинни асосий босқичлари			Ишни муддатидан олдин ва тўғри бажаргани учун рағбатлантириш			Кечикиб бажарилган тўғри ва кечикиб бажарилган ишга жарима		
Босқич№	Аудитория вақти, мин	Баллар сони	10 мин	20 мин	30 мин	10 мин	20 мин	30 мин
1	40	10	5	10	15	5	10	15
2	40	30]10]20]30	-10	-20	-30
3	80	50]30]40]50	-30	-40	-50

Ечим қабул қилишда, ҳисоб ишларини бажаришдаги хатолик, чиқариш ҳужжатларини расмийлаштиришдаги хатоликлар учун жарима

3-илова

№	Хатолик характери	Максимал ўлчамда жарима балларда
1	Нотўғри ечим қабул қилиш	10-15
2	Методикани билмаслиги	5-10
3	Тизимли хатолик	5-8
4	Арифметик хатолик	5-10
5	Нотўғри бажариш	3
6	Бошқаларни хатосини ўтказиб юборгани учун	2-4

Ишлаб чиқариш тартибини бузганлиги учун жарима баллар

4-илова

№	Тартиб бузилишлар	Баллар миқдори
1	Сабабсиз ўйинга қатнашмаганлиги	50

2	Кечикиб келиш	5-7
3	Пассивлик, ўйинга бефарқ қараш	5-7

АТК директориға қўшимча рағбатлантириш шарти

5-илова

№	Рағбатлантириш кўрсаткичлари	Ҳар бир босқич бўйича баллар йиғиндиси
1	Ишни ўз вақтида ва сифатли ташкил этгани учун	5 баллгача
2	+айсидир босқич бўйича маъруза тайёрлагани ва ишлаб чиқариш йиғилишида нутқ сўзлагани учун	5 баллгача
3	Кичик гуруҳ қатнашувчилари орасида тартиб ушлаб тургани учун	10 баллгача
4	Ижодий ғояларга ишлов бергани учун	15 баллгача

Техник тайёргарлик коэффициентини ошириш бўйича ташкилий-техник тадбирларни баҳолашда рағбатлантириш ва жарималар

6-илова

№	Иш турлари	Ҳар бир тадбирга баллар миқдори
1	Ташкилий техник тадбирларни изоҳлаш] 15] 5 0 -15
	а) амалга тадбиқ қилишни аниқ жойи ва вақти	
	б) амалга тадбиқ қилиш жойи ва вақти етарлича аниқ бўлмаган	
	в) тадбирлар етарли эмас, жойи ва вақти аниқ эмас	
2	г) тадбирлар қониқарсиз, тадбиқ этишга яроқсиз] 10] 5 0 - 10
	Ташкилий техник тадбирларни амалга тадбиқ қилишдан иқтисодий самарадорлик.	
	а) аниқ дастлабки маълумотлар ва меъёрларни қўллаш билан	
	б) тахминий меъёрлардан фойдаланмай	
	в) етарлича асосланмаган	
г) хато		

Ўйинни ўтказиш бўйича умумий

_____ факултет _____ курс _____ гуруҳида
_____ 200_ йил

1. АТК директориға

- I. босқич
- II. босқич
- III. босқич
- IV. босқич

2. Материал техника таъминоти бўлимиға

- I. босқич
- II. босқич
- III. босқич
- IV. босқич

3. Техник назорат бўлимиға

- I. босқич

- II. босқич
- III. босқич
- IV. босқич

4. Техник хизмат бўлимига

- I. босқич
- II. босқич
- III. босқич
- IV. босқич

5. ТХК ва ЖТ минтақасига

- I. босқич
- II. босқич
- III. босқич
- IV. босқич

6. Баҳо, хулоса ва таклифлар

Маъмур
Арбитраж

Ўқитувчини Ф.И.Ш
талабаларни Ф.И.Ш

Таклиф қилинган тадбирни самарадорлиги ҳақида ҳисобот

7-илова

№	Тадбирлар номи	Ўзгаришни мумкин бўлган фоизи	
		ошиши	кўпайиши
1	2	3	4
1.	АТК янги юк кўтариш қобилияти юқори бўлган ҳаракатланувчи таркиб билан таъминланди.		
2.	АТК автомобилларни маркалар сони камайтирилди.		
3.	Ёнилғи мойлаш материаллари сифати яхшиланди.		
4.	Автомобилларга ТХК ишлари қатъий режа асосида ўтказиш учун режа тузилди.		
5.	Эҳтиёт қисмлар ва агрегатлар сифати ва сарфига эътибор берилди.		
6.	АТК ни ишлаб чиқариш негизини таъминланганлигини оширилди		
7.	ТХК ва Т сифати оширилди		
8.	ТХК ва Т минтақаси техник қайта жиҳозланди		
9.	ТХК ва Т минтақасидаги ишчиларни сифатни оширгани учун рағбатлантириш режалаштирилди		
10.	Автомобилларни ишга чиқиш ва қайтишида назорат кучайтирилди		
11.	Ишлаб чиқаришни марказлашган бошқарув тизими жорий қилинди		
12.	Ҳаракатланувчи таркибнинг техник ҳолатини аниқлаш учун диагностика комплекси ишга туширилди		
13.	Ҳаракатланувчи таркибга ТХК ва Т га янги технология жорий қилинди		
14.	Автомобилларни ТХК даврийлиги узайтирилди		

**АТК ни техник тайёргарлик коэффицентини оширишга
таъсир қилувчи омиллар**

8-илова

№	Тадбирларни номланиши	Омиллар қайси кўрсаткичларга таъсир кўрсатади
1	2	3
1	Ишлаб чиқариш техник негизини ривожлантириш	
2	Ҳаракатланувчи таркиб саройини янгилаш. Транспорт воситаларини модернизация қилиш ва махсулаштирилган	
3	Автомобилларнинг ва уларни тармоқларининг ишончилигини, узок муддат ишлашини ошириш	
4	Автотранспорт корхонасини ободонлаштирилишини яхшилаш	
5	Автотранспорт корхонасини унумдорлиги юқори технологик жиҳозлар ва замонавий диагностик қурилмалар билан жиҳозлаш	
6	Ҳаракатланувчи таркибга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини механизациялаш ва автоматлаштириш	
7	Ҳаракатланувчи таркибга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашда илғор технологияларни тадбиқ этиш	
8	Махсулаштирилган корхоналарда марказлаштирилган ҳолда ҳаракатланувчи таркибга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашни ташкил этиш	
9	АТК ни материал техника таъминотини яхшилаш	
10	Ёнилғи-мойлаш материаллари сифатини яхшилаш	
11	Ҳаракатланувчи таркибга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари сифатини назорат қилиш	
12	Ҳаракатланувчи таркибга ТХК ва Т ишларини сифатини бажарганларни рағбатлантириш	